ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

А.М. Рахманов

Тошкент молия институти Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *Шуни таъкидлаш лозимки, жамиятни модернизациялаш замонавий бозор муносабатлари ва глобал тенденциялар ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида вояга етишида ўзига хос тарзда таъсир этади.*

Калит сўзлар: *Ватан тараққиёти, миллат истиқболи, давлатнинг ривожи, истиқболи, қудрати*

Ҳар қандай жамиятнинг, давлатнинг ривожи, истиқболи, қудрати пировард оқибатда кўп жиҳатдан инсон омилига бориб тақалади. Ҳар бир мамлакатнинг бугуни ва келажаги қандай бўлиши ҳам кўп жиҳатдан ёшларнинг қай даражада таълим-тарбия олаётгани билан белгиланади. Зеро, Ватан тараққиёти, миллат истиқболи шу заминда вояга етаётган ўғил-қизларнинг камоли билан чамбарчас боғликдир. Шу маънода Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир янги авлодни тарбиялаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялашга, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратила бошлади.

Албатта, бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этар эканмиз, ёшларга оид давлат сиёсати ўз моҳияти билан давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун зарур шарт-шароит ва имконият яратиш йўлида амалга оширилаётган чора тадбирлар ва амалий ҳаракатлар тизимидир. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугунги замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интелектуал ва маънавий салоҳиятига эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”. [1]

Шу билан бирга, ҳаётимизни кескин ўзгартираётган демократик ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан биридир. Айни шу мақсадда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати эртамиз эгаларининг эзгу орзуинтилишларини рўёбга чиқариш, соғлом ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада бугунги кунда кўп миллатли халқимиз, ёшларимиз орасида миллий, умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини янада мустаҳкам шакллантиришимиз муҳим аҳамиятга

эгадир. Марказий Осиё халқлари ўзоқ даврлардан бери қўни – қўшни бўлиб, тинч-тотув, ўзаро ҳамкорликда яшаб келмоқда. Бугунги глобаллашув даврида, Марказий Осиё халқларининг интеграллашиб бориши жараёнида ёшлар ўртасидаги турли соҳалардаги ўзаро ҳомкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб боришимиз ҳам минтақамизда бузғунчи ғояларга қарши курашда, турли миллатлар ўртасидаги тотувликни таъминлашда, минтақамизда тинчликни мустаҳкамлашда, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳурмат ғояларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу ерда қадрият тушунчасига тўхталиб ўтишни лозим, деб топдик. Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча турларга бўлинади. Инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирон бир нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўзлаш жоиз эмас. Шунинг учун ҳам инсон қадр-қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билим ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлигини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш Янги Ўзбекистон давлати сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг, ислоҳотларнинг барчаси кишилар ҳаёти бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнати натижасининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Биринчи бўлим, II боб, 13моддасида. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади - деб, таъкидланган. [2] Демак, демократик давлатда халқ, давлат ҳокимиятининг асосий манбаи бўлиб, умуминсоний тамойилларини амалга ошириш орқали инсон ва жамият фаровонлигини, барча халқнинг турмуш даражасини ошириб боришга эришади. “Қадрият воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умумбашарий, умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маъданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса, ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ва фазилатлар, анъана, урф-одат ва бош қадрият ҳисобланади”. [3]

Миллий ва умуминсоний қадриятлар хусусида фикр юритганда масаланинг бир муҳим жиҳатини эсда тутиш лозимки, улар бир биридан фаолият доирасига кўра фарқланса-да, ёшлар дунёқарашида, улар тафаккурини юксалтиришга, маънавий оламини бойитишга жуда катта ижобий таъсир кўрсатади. Миллий қадриятлар муайян миллатга, халққа тегишли бўлган, ушбу халқни, миллатни дунёга танитадиган, тарихий тараққиётнинг синовларига дош бериб, шу халқ, шу миллат томонидан юксак эътирофга, қадрга сазовор бўлган моддий ва маънавий неъматлар мажмуи сифатида намоён бўлади. Ўзбек халқига хос миллий қадриятларга буюк аждодларимиздан қолган ноёб ёдгорликлар билан бирга, диний бағрикенглик, болажонлилик, қарияларни қадрлаш, аёлларни ҳурмат қилиш, инсонпарварлик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат, меҳмондўстлик, кечиримлилик, жамоавийлик, жонкуярлик, инсоф ва диёнат, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат ва шу каби бир қатор инсоний хусусиятларни мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин. Умуминсоний қадриятлар барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатига мос келувчи мод- дий ва маданий ҳодисалар, мезонлар, қадрли жиҳатларнинг устувор бўлишига таянган ғоялар асосида шаклланган фаолият мажмуидир. [4] Умуминсоний қадриятлар масаласига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Қ.Назаров умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлиш шаклларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор бериб ўтган: – бутун инсониятга хос бўлган табиий-тарихий жиҳатлар, яъни инсон вужудининг тириклиги, сиҳат-саломатлиги, ижтимоий фаолиятга қобиллиги, онги, билим, муомала воситаси; – маданият, маънавият, фан, дин, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура ва ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан боғлиқ ютуқлар, кашфиётлар. Яратилган бойликлар, таълим-тарбия ва

маънавий камолотнинг йўналишлари, усуллари, воситалари; – сайёрамиз ҳудудлари, давлатлари ва ижтимоий тузумларидан қатъий назар, ҳамма учун умумий фойдаланиш имконини берадиган универсал технологиялар, ишлаб чиқариш, бошқаришни ташкил қилиш, космонавтика, ЭҲМ, кибернетика ва бошқа йўналишлардаги умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган жараёнлар[5].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, бугунги кунда давр талабларига мос равишда ёшларни ҳар томонлама, кретив фикрлайдиган, мамлакатимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли, халқ манфаатлари йўлида барча салоҳиятини йўналтирадиган ёшларни тарбиялаш ҳамда миллий хусусиятларимизнинг умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетганлиги, асрлар давомида халқимиз умуминсоний қадриятлар такомилига улкан ҳисса қўшганлиги, турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хислатлар ҳам халқимизда азалдан мужассам. Шундай экан бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг онгига Ватан туйғусини сингдиришда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳини мустаҳкамлашда ҳамда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни бениҳоя каттадир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – Б. 145-146.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2023. – Б. 4.
3. Фалсафа: энциклопедик луғат/ ЎзР ФА, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – 326 б.
4. Қўнғиров И. Миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга таяниш – Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шарти. Ўқув- услубий қўлланма. – Т.: ТМИ 2009. – Б. 14.
5. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). – Т., 2004. – Б. 34-35